



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 22 » avgust

№ 469

Toshkent sh.

### **Муаллифлик хуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини ягона базада сақлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

“Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуклар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда хуқукий хизмат қўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 17 мартағи ПФ-89-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда хуқукий хизмат қўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 17 мартағи ПФ-89-сон Фармонига мувофиқ **2023 йил 1 апрелдан бошлаб:**

муаллифлик хуқуқи объектларининг электрон назорат нусхалари мажбурий тартибда Муаллифлик хуқуқи объектларининг ягона базасида (кейинги ўринларда – Ягона база) сақланиши;

Ягона базани юритиш, техник таъминлаш ҳамда муаллифлик хуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага киритиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасаси томонидан мувофиқлаштирилиши;

объектнинг электрон назорат нусхалари Ягона базага муаллифлик хуқуқи объектларини сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) томонидан жойлаштирилиши;

муаллифлик хуқуқи объектларини сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) томонидан объектнинг электрон назорат нусхалари Ягона базага киритилгандан сўнг унинг сақловга қабул қилингандаги тўғрисида хужжат тақдим этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Муаллифлик** ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини ягона базада сақлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

Ягона базани юритиш, муаллифлик ҳуқуқи объектларини сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) тўғрисидаги маълумотни унга киритиш;

муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган асарларнинг электрон нусхаларини Ягона базага киритиш, тегишли маълумотларга тузатишлар киритиш ва янгилаш;

Ягона базага муаллифлик ҳуқуқи объектлари уларни сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) томонидан жойлаштирилишини мувофиқлаштириш;

муаллифлик ҳуқуқи объектларини сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) томонидан тегишли объектлар сақлашга қабул қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқ эгаларига тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни самарали ташкил этиш, аҳоли ва ижрочиларнинг интеллектуал мулк соҳасидаги билим ва кўникмаларини доимий равища ошириб бориш, ушбу соҳани ривожлантиришда халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг нуфузли экспертларини кенг жалб қилиш бўйича тизимли чоралар кўриб борсин.

4. Ушбу қарор 2023 йил 1 апрелдан қучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 22августдаги 469-сон қарорига  
илова

**Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат  
нусхаларини ягона базада сақлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом муаллифлик ҳуқуқи объектларини сақлашга қабул қилувчи ташкилотлар (кейинги ўринларда – депозитарийлар) томонидан муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг ягона базасида (кейинги ўринларда – Ягона база) сақлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари нотариуслар томонидан муаллифлик ва турдош ҳуқуқ обьекти тақдим этилган вақтни тасдиқлаш учун тегишли маълумотларни қабул қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ягона базани юритиш, техник таъминлаш ҳамда муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага киритиш жараёнлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Оператор) томонидан мувофиқлаштирилади.

3. Оператор Ягона базанинг ишлашини, техник кузатувини, ахборот хавфсизлиги ва муентазам янгиланишини, жойлаштирилган маълумотларнинг очиқлигини, шунингдек, мазкур базага рухсат берилмаган тарзда киришдан ҳимояни таъминлайди.

Оператор томонидан муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага киритиш жараёнлари депозитарийларнинг Ягона базадан фойдаланишига услубий қўмаклашиш орқали мувофиқлаштирилади.

4. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**муаллифлик ҳуқуқи обьекти** – ижодий фаолият натижаси бўлган обьектив шаклга эга бўлган фан, адабиёт ва санъат асарлари;

**муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаси** – белгиланган тартибда Ягона базага киритилган фан, адабиёт ва санъат асарларининг электрон нусхаси.

5. Депозитарийлар томонидан “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ сақлашга қабул қилинган муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхалари мажбурий тартибда Ягона базада сақланади.

Муаллифлик ҳуқуқи объектининг депозитарийга сақлаш учун топширилиши муаллифлик ҳуқуқи объектининг электрон нусхаси Ягона базага киритилиши учун асос ҳисобланади.

6. Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базада сақлаш мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базада сақлаш**

7. Ягона базада қуидаги муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхалари сақланади:

адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);

драма ва сценарий асарлари;

матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;

мусиқали драма асарлари;

хореография асарлари ва пантомималар;

аудиовизуал асарлар;

рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, графика, дизайн асарлари ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари;

манзарали-амалий ва саҳна безаги санъати асарлари;

архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;

фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;

география, геология хариталари ва бошқа хариталар, география, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар;

барча турдаги электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, шу жумладан, ҳар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда, чунончи, бошланғич матн ҳамда объект кодида ифодаланиши мумкин бўлган амалий дастурлар ва операция тизимлари;

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа асарлар.

8. Муаллифлик ҳуқуқи объектининг электрон назорат нусхалари Ягона базада муддатсиз сақланади.

9. Ягона базада:

муаллифлик ҳуқуқи объектини сақловга қабул қилган депозитарий;

муаллифлик ҳуқуқи объектини сақлаш учун топширган ҳуқуқ эгаси;

асар муаллифи;  
муаллифлик ҳуқуқи объектининг тури, номи, яратилган санаси;  
сақлашга қабул қилинган муаллифлик ҳуқуқи объектининг биринчи марта чоп этилган санаси (агар у чоп этилган бўлса);  
асардан фойдаланиш шартлари;  
муаллифлик ҳуқуқи объектининг Ягона базада рўйхатга олинган санаси ва рақами ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади.

Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг Ягона базага киритилганлиги ҳақидаги маълумотлар танишиб чиқиш учун очик ҳисобланади.

10. Ягона базада рўйхатга олинган муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳақидаги маълумотларга тузатишлар киритилиши ва муаллифлик ҳуқуқи обьекти сақловга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг бекор қилиниши депозитарийлар томонидан мазкур Низомда назарда тутилган тартибда Ягона базада акс эттирилади.

### **3-боб. Депозитарийларнинг Ягона базадан рўйхатдан ўтиши**

11. Депозитарийлар Ягона базадан фойдаланиш учун аввал Ягона базадан рўйхатдан ўтади.

Рўйхатдан ўтиш учун депозитарий томонидан Ягона базага солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса) ва телефон рақами киритилади.

Ягона базага зарур маълумотлар киритилгандан сўнг депозитарий уларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди.

12. Депозитарийларнинг Ягона базадан фойдаланишини тугатиш уларнинг Ягона базага йўллаган хабарномасига кўра, суднинг қарорига асосан ёки юридик шахс сифатида тутатилганда амалга оширилади.

### **4-боб. Муаллифлик ҳуқуқи обьектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага жойлаштириш**

13. Муаллифлик ҳуқуқи обьектларининг электрон назорат нусхалари Ягона базага депозитарийлар томонидан жойлаштирилади.

14. Муаллифлик ҳуқуқи обьектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага киритиш учун депозитарий қўйидаги материаллар ва маълумотларни биректиради:

сақлашга қабул қилинаётган муаллифлик ҳуқуқи обьектининг муаллифи ва сақлаш учун топширган ҳуқуқ эгасини идентификацияловчи маълумотлар (жисмоний шахслар учун – фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) ҳамда юридик шахслар учун – солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР));

сақлашга қабул қилинаётган муаллифлик ҳуқуқи обьектининг тури;  
сақлашга қабул қилинаётган муаллифлик ҳуқуқи обьектининг номи;  
сақлашга қабул қилинаётган муаллифлик ҳуқуқи обьектининг яратилган санаси;

сақлашга қабул қилинаётган муаллифлик ҳуқуқи обьектининг биринчи марта чоп этилган санаси (агар у чоп этилган бўлса, кўрсатилиши лозим);

асардан фойдаланиш шартлари;

муаллифлик ҳуқуқи обьектининг электрон нусхаси (фото, видео ва бошқалар).

Ягона базага муаллифлик ҳуқуқи обьекти ва зарур маълумотлар киритилгандан сўнг депозитарий уни электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

15. Муаллифлик ҳуқуқи обьектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага жойлаштириш учун депозитарийлар томонидан Операторнинг ҳисобварағига тўлов амалга оширилади.

Тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланиб, Ягона базада муаллифлик ҳуқуқи обьектларининг электрон назорат нусхаларини жойлаштиришда техник ресурслардан фойдаланилиши билан боғлиқ Операторнинг харажатларидан ошмаслиги керак.

16. Ягона базага маълумотлар киритилгач тегишли муаллифлик ҳуқуқи обьекти автоматик тарзда Ягона базада сақлашга қабул қилинади ва бу тўғрисида депозитарийга шу вақтнинг ўзида билдиришнома юборилади.

Билдиришномада сақлашга қабул қилинган муаллифлик ҳуқуқи обьектининг тури, номи, муаллифи ва сақлаш учун топширган ҳукуқ эгаси, асар яратилган вақт тўғрисидаги маълумотлар ҳамда обьектнинг Ягона базада рўйхатга олинган санаси ва рақами кўрсатилади.

17. Депозитарийлар томонидан билдиришнома олингандан сўнг асарни сақлаш учун топширган ҳукуқ эгасига муаллифлик ҳуқуқи обьекти сақловга қабул қилинганлиги тўғрисида хужжат такдим қилинади.

Мазкур ҳужжат билдиришномада кўрсатилган маълумотлар асосида шакллантирилади.

18. Ягона базани юритиш, техник таъминлаш ҳамда муаллифлик ҳуқуқи обьектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага киритиш жараёнини мувоғиқлаштириш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган тўловлар Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулкни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

## **5-боб. Якунловчи қоидалар**

19. Депозитарийлар томонидан муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага киритмаган ёки мазкур Низом 16-бандининг иккинчи хатбошида назарда тутилган маълумотларни акс эттиргаган ҳолда асарни сақлаш учун топширган ҳуқуқ эгаси номига расмийлаштирилган хужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

20. Ягона базага киритилган муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхасидан депозитарий ва сақлаш учун топширган ҳуқуқ эгаси ўртасида тузилган шартнома ҳамда “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24–33-моддаларида белгиланган тартибда фойдаланилади.

21. Операторнинг Ягона базани юритиш ва техник таъминлаш бўйича хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

22. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



Муаллифлик хуқуқи объектларининг  
электрон назорат нусхаларини ягона базада  
сақлаш тартиби тўғрисида низомга  
илова

**Муаллифлик хуқуқи объектларининг электрон назорат  
нусхаларини ягона базада сақлаш тартиби хизматини кўрсатиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Муаллифлик хуқуқи объектларини ҳисобга олиш ва сақлаш бўйича хизматларни кўрсатувчи юридик шахс – Депозитарий	Ягона базадан фойдаланиш учун Ягона базадан рўйхатдан ўтиш: ягона базага солик тўловчининг идентификация рақами (СТИР), электрон почта манзили ва телефон рақами киритиш; ягона базага зарур маълумотлар киритилгандан сўнг уларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш.	Автоматик тарзда
2-босқич	Депозитарий	Муаллифлик объектларининг электрон нусхалари Ягона назорат базага жойлаштириш	Рўйхатдан ўтганидан сўнг
3-босқич	Депозитарий	Муаллифлик объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага жойлаштирганлик учун тўловни амалга ошириш	Электрон назорат нусхани Ягона базага жойлаштиргандан сўнг
4-босқич	Интеллектуал мулк маркази давлат муассасаси – Оператор	Ягона базага киритилган муаллифлик хуқуқи объектларини сақловга қабул қилингандиги тўғрисида билдиришнома юбориш	Автоматик тарзда
5-босқич	Депозитарий	Асарни сақлаш учун топширган хукуқ эгасига муаллифлик хуқуқи обьекти сақловга қабул қилингандиги тўғрисида хужжат тақдим қилиш	Билдиришнома олинганидан сўнг